



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

Сотувда нархи эркин

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 26 май № 21 (146) •

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ

Бундан уч йил аввал, 1992 йилнинг май ойида вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхоналарининг ихтиёрий бирлашувлари асосида, Алоқа вазирининг буйруғи билан "Ўзбектелеком" концерни ташкил этилган эди. Концерн асосан вилоятлар давлат алоқа ишлаб чиқариш корхоналари, Тошкент таксофон алоқа давлат корхонаси ва Республика шаҳарлараро ҳудудий алоқа ишлаб чиқариш бирлашмасини ўз ичига олар эди. Шу кунларда унинг таркибига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Бу бирлашмага қандай наф берди? "Ўзбектелеком" концерни раиси Тоҳир Муҳаммадшоевич БИКМЕТОВ билан суҳбатимиз концернининг ҳозирги кундаги фаолияти, алоқа хизматининг бугунги вазифалари ва келгуси иш режалари ҳусусида бўлди.

— Тоҳир Муҳаммадшоевич, аввало, концерн, унинг хизмати ва таркибдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ҳабарингиз бор, "Ўзбектелеком" концерни 1992 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Шу йилнинг март ойидан бошлаб концерн тизимига Алоқа вазирлигининг буйруғи ва давлат алоқа ишлаб чиқариш корхоналари жамоалари ихтиёри билан яна бир қатор давлат алоқа корхоналари қўшилди. Булар: Тошкент шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси давлат корхонаси, Шаҳарлараро халқаро алоқа маркази давлат корхонаси, Тошкент шаҳар Халқаро ва шаҳарлараро алоқа бошқарув маркази ва Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаларидир. Натижанда республикамизда ягона электр алоқаси — "Ўзбектелеком" концерни телекоммуникациянинг яхлит "Оператори" бўлиб мужассамлашди. "Ўзбектелеком" концерни республика электр алоқа корхоналари фаолиятини бошқариш ва координация қилиш марказига айланди. Шунингдек, концерн ижро аппарати республика электр алоқа корхоналарининг ҳамма масалалар бўйича сўровини қондириш ва мукамал, ягона давлат алоқа тармоғини эксплуатация қилиш, таъмирлаш, тақомиллаштириш ва ривожлантиришда ҳам бир қатор ишларни олиб боради. Ундан ташқари, меъерий ҳужжатлар билан таъминлаш, транспорт, техник жиҳозлар таъминотини координация қилиш, ягона ва тўғри техник сисемани амалга ошириш, республикамиз ҳудудида алоқа тармоғини таъмирлаш ва ривожлантириш учун тегишли бўлимлар ташкил этиш, уларни мутахассислар билан таъминлаб бориш ҳам концерн зиммасидадир. Концерн халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларини, корхона, идора, давлат бошқарув органларини сифатли электр алоқа хизмати билан таъминлашда республикамиз алоқа корхоналари фаолиятида бошқарувчи-координаторлик вазифасини бажариб келяпти.

— "Ўзбектелеком" концерни ва корхоналарини, жамоа аъзолари, мутахассисларининг бугунги кундаги асосий вазифалари нималардан иборат?

— Мавзуд алоқа воситаларини, линия, кабел, қувурлар ва бошқа электр алоқаси қурилмаларининг ҳолатини техник талаб даражасида эксплуатация қилиш, кўрсатилаётган алоқа хизмати турлари сифатини яхшилаш, ҳажмини кўпайтириш биринчи галдаги вазифамиздир. Шу билан бир қаторда телефон тармоқларини дунё алоқалари талабларига жавоб берадиган замонавий рақамли электр станцияларга ўтказиш, таъмирлаш, тақомиллаштириш ишларини ривожлантиришимиз лозим.

Кўпчиликка маълумки, бу янги авлод телефон станциялари нафақат сўзлашув хизматини, балки факсимил алоқаси, телекс, электрон почта-си ва яна юзлаб бошқа хизмат турларини бажаради. Концернининг асосий бажарадиган вазифаларидан яна бири — шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати кўрсатишда қатнашаётган давлат электр алоқа корхоналарининг ўзаро ҳисоб-китоб ишларини марказлаштирган ҳолда ҳал қилишдир. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасини ташкил этиш учун республикамиз ҳудудида 4-5 та электр алоқа давлат корхонаси, чет элдан эса бошқа давлат телекоммуникация ижрочилари қатнашади. Улардан ҳар бирининг шу алоқа билан таъминлашда ўз улушлари бўлиб, даромадининг бир қисмига шерик бўлишга тўлиқ ҳақлари бор. Шу ижрочиларнинг бажарган ишига, қўшган ҳиссасига қараб, тўланадиган даромад тақсимланади. Бу йўсинда олиб борилаётган ҳисоб-китоб ишлари давлат электр алоқа корхоналарининг ишларини бирмунча енгиллаштиради.

— Ҳар қандай ривожланаётган давлатда телекоммуникация тармоғининг тўғри ва ўз вақтида ривожланиб бориши умумжаҳмиёт ривожининг омилли ҳисобланади. Ривожланиш даврида эса телекоммуникация тармоғига давлат нуктаи назари, эътибори, раҳнамолиги керак бўлади. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил октябрь ойида "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Бу албатта давлатимизнинг алоқа соҳасига бўлган раҳнамолигини кўрсатиб туради. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида Транс-Осиё-Европа шиша толали алоқа магистралли қурилишига муҳим аҳамият берилиб, қўлаб-қувватланди. Умумда, давлат алоқа тармоқлари техник воситалари асосида, ахборот тармоқларини яратиб борасида Туркиянинг "Не-таш" фирмаси билан шартнома тузилиб, ишлар бошлаб юборилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорига мувофиқ Республика-миз телекоммуникация тармоғини таъмирлаш ва ривожлантиришнинг 1994-2010 йилларга мўлжалланган миллий дастурини Республика Алоқа вазирлиги, "Ўзбектелеком" концерни, Республика Госкомпрогнозстат, "Ўзэлектропром" Фанлар академияси ва бошқа вазирликлар ердимида ишлаб чиқиш, тегишли қарор қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

[Давоми 2-бетда.]



"Ўздуробита" кўшма корхонаси мижозларга ихчам, фойдаланиш учун ҳар томонлама қўлай бўлган, жажжигина уяли телефон алоқаси ускуналарини тақдим этмоқда.

Суратда: Корхонанинг сотиш ишлари бўйича ассистенти Ирина Побережская мижозга уяли телефон алоқаси ускунасининг ишлаш жараёнини кўрсатмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## МАРКАЛАРДА ЎЛКАМИЗ ЖАМОЛИ

Ўлкамиз табиати рангбаранг. Бу нарса почта маркаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Шундай маркалардан бири Фарғона капалаги тасвирланган. Ноеб бу жонивор Қизил китобга киритилган.

"Ўзбекистоннинг камеб жониворлари" маркалар туркуми ҳайвонот оламига бағишланган. Булар орасида кўзойнакли илон (қобра), Бухоро оҳуси каби ноёб жониворлар бор.

"Ўзбекистон флораси" туркуми ҳам жуда бежирини ва кўркемдир. Унда ўсимликлар дунёсининг гўзал намуналари акс этган.

Оқоридидаги почта миниатюралари ҳар қандай филателистнинг хазинасини бойидаги ва ўлкамиз доврағини хорижга тарқатади.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто республикамизда бўлди.

• Қозғистонда Ўзбекистон Республикаси қунари бўлиб ўтди.  
• Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Карл Хайнц Куна Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиесий Кенгашида қабул қилинди. Жаноб элчи "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил маълумот олди.

• Наманган Давлат дорилфундунида улугъ езувчи Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди. Унда олим ва фузалолар, шоирлар ҳамда талабалар иштирок этилди.

• Германияда ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, самарқандлик боксчи Дилшод Ербеков ўз вази тоифаси бўйича бронза медалига сазовор бўлди.

• Бутун Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Унда кун тартибига 20 тадан кўпроқ масала киритилган.

• Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Америка жамғармаси Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистондан сўнг Тожикистонда ҳам ўз фаолиятини бошлади.

• Польша Президенти Лех Валенса Краковда дудаёвчилар томонидан "Озод Кавказ" радиостанцияси орқали эшиттиришлар олиб борилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида баёнот берди.



## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ

(Боши 1-бетда.)

— “Ўзбектелеком” концерни ва Давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхоналари телефон алоқасининг сифатини яхшилашда қандай ишларни амалга оширмакда?

— Бу соҳадаги ишларимизнинг илгарилари учун дастлаб бор ускуналаримизни яхшилашимиз керак эди. Шунинг учун ҳам 1993 йили сифат дастури қабул қилдик.

Шундан сўнг барча давлат корхоналари, туман алоқа корхоналари ҳам ўзларининг сифат дастуралини ишлаб чиқиб, ишларини яхшилашга эришдилар. Жойларда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, асосий линия, кабеллар, симёгочлар, ҳаво телефон тармоқлари таъмирланди. Электр манбаи билан таъминлаш участкалари берилди. Телефон алоқа тармоқлари ёмон ишларининг асосий сабабларидан бири — телефон қувурлари, алоқа кабелларида доимий равишда капитал ва жорий текширувлар ўтказилмаганилиги, хомашё материалларининг етишмаслигидир. Ўтган йили соझлаш бригадалари тузилган эди. Эндиликда барча телефон қувурлари ва алоқа кабеллари бирма-бир назоратдан ўтказилиб, қайта таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борилаётир. Жумладан, асосий кабелларга қуруқ ҳаво босими юбориб, шу босимда кабел линияларини сақлашга ҳаракат қилдик. Натижада маҳаллий телефон алоқасида сифат кўрсаткичлар яхшиланди. Шунингдек, шаҳарлараро асосий кабел линиялари ишини яхшилаш мақсадида Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва бошқа вилоятлардаги шу линиялар ТПО — Махсус Давлат корхонасига берилди. Оқибатда дуруст натижаларга эришилди.

— Республикамик телекоммуникация тармогини ривожлантиришда чет эл фирмаларининг энг нуфузли компаниялари иштирок этишяпти. Уларнинг олиб бораётган ишларини қандай баҳолайсиз?

— Ҳозирги кунда Республикамикда Олмониянинг “Алкател Сел РФТ”, “Сименс”, Жанубий Кореянинг “ДЭУ” корпорацияси, Туркиянинг “Неташ”, Хорватиянинг “Никола-Тесла” фирмалари кенг кўламли иш олиб борапти. Биргина ўтган йилнинг август ойида умумдавлат телекоммуникация тармоғида биринчилардан бўлиб Фарғона вилоятининг Фарғона, Кўқон, Марғилон

шаҳарларида 50 минг рақамга мўлжалланган замонавий рақамли электрон станциялар ишга туширилиб, шу кунларда фаол ишлаб турибди. Натижада телефон мижозларига кўшимча “сервиз” — алоқа хизмати кўрсатиш имконияти тугилди. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларда сифатли алоқа ўрнатишга эришилди. Янги вақтбай тариф тизими жорий қилинди. Мижозлардан олинаётган фойда кўпайди, шаҳарлараро, халқаро сўзлашувлар сони ошди. Албатта бу ўзаро ҳамкорлик натижасида бўлаётган ишларнинг айримлари холос. Ҳозир Фарғона вилоят телекоммуникация тармогининг бир қисми таъмирланди. Агар бу ишлар охиригача бажарилса, мижозларимиз эҳтиёжи янада тўлиқ қондирилади. Ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз менинг назаримда чакки бўлмапти. Юртимиз янада обод бўлиши учун ҳамкорликни кенгайтиришимиз лозим.

— Ҳозирги шароитда қонцерн олдда қандай муаммолар бор?

— Шу кундаги энг катта муаммоларимиздан бири Республикамикда алоқа хизматида фойдаланиладиган ускуналарнинг етишмаслигидир. Зарур электр ускуна-жиҳозларни Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан сотиб оламиз. Тўловлар учун эса меъерий конвертация, валюта бўлиши керак. Уч йилдан бери меъерий конвертация, валюта йўқлиги учун жиҳозлар сотиб олиш қийинлашмоқда. Ундан ташқари, мижозларимиздан келадиган алоқа хизмати ҳақлари ҳам ўз вақтида ҳисоб рақамларига келиб тушмайди. Шу каби қийинчиликлар ишимизда мушкуллик тугдирмоқда. Ўзимизда ҳам алоқа корхоналари учун зарур ускуналарни чиқара бошлаймиз. Чет эл компаниялари билан ҳамкорликда ишга тоғали алоқа кабелли узатиш тизимлари, қишлоқ жойлари учун АТСлар, радиотелефон ускуналари ва кўпмла алоқа техника эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Хоразмда қурилаётган заводимиз бунга мисол бўла олади. Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилаётган бу завод шу йилнинг охиригача бориб маҳсулот бера бошлаши кўзда тутилган. Ана ўшанда бир қатор муаммолар ҳал бўлади.

Р. СОБИТ сўхбатлашди

Берлинда “Мутахассислар ва раҳбар ходимлар тайерлаш ҳамда халқаро алоқалар” жавзусида МДХ давлатлари алоқачиларининг биринчи мартаба семинари бўлиб ўтди. Ушбу йўғиллишда Алоқа вазирлиги Раҳбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими мудири Равшан Акбарович АСҚАРОВ ҳам қатнашди.

юқори савияда ўтди.

— Унда қандай масалалар кўрилди?

— Анжуманда ҳозирги ўтиш даврида Европа ва Шарқ давлатларида алоқа соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги ҳамда мутахассислар тайерлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Олмониянинг энг тажрибали алоқа мутахассислари

Ваҳоланки, бу иш бизда уч йил илгари йўлга қўйилганди. Хуллас, бундай семинарлар ўтказилиши ҳар қандай мамлакат учун кони фойдадир.

— Айтинчи, Олмонияни гўзал мамлакат дейишди. Ростдан ҳам шундай эканми?..

— Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам

## АНЖУМАН — КОНИ ФОЙДА

— Равшан Акбарович, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги алоқачиларининг илк семинари неча айнан Олмонияда ўтказилди?

— Семинарнинг бу жойда ўтказилишининг ўзига хос томонлари бор, албатта. Бизга маълумки, Олмония алоқа соҳасида нуфузли обрўга эга. Шунинг учун биздаги ҳозирги иқтисодий қийин шароитда бу мамлакат эришган ютуқлар билан танишиш ва МДХ давлатлари ўзаро бир-бири билан тажриба алмашиш мақсадида шундай анжуман ўтказишга қарор қилинди.

Олмониянинг “Дойч телеком” фирмаси ва МДХ мамлакатларининг алоқа соҳаси бўйича Минтақалараро алоқа маъмуриятлари ҳамдўстлиги Кенгаши томонидан ташкил этилган бу семинар анча

ва МДХ жумҳуриятларидан ҳам вакиллар сўзга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, ўзаро ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма корхоналар ва ҳиссадорлик жамиятлари тузиш, корхоналарни хусусийлаштириш каби бир қатор тақлифлар ўртага ташланди.


— Сизнингча, бундай семинарлар ўтказилиши республикамизга бирон-бир наф келтиради?

— Ҳа, албатта. Бундай анжуманлар ўтказиб турилиши ўзаро тажриба алмашишда, алоқа соҳасида жаҳон мамлакатларининг энг илгор тажрибаларини ўрганишда, улар йўл қўйган хатоларни такрорлашмасликда жуда қўл келади. Олмония анча ривожланган бўлишига қарамай, шартнома-лар тузишга энди киришишяпти.

Берлин чиройли шаҳар экан. Кўчалари тоза, озода. Хизмат кўрсатиш маданияти анча юқори.

Энг юксак натижаларга билимдон ходимлар туфайлигина эришиш мумкин. Олмонияда ҳам корхона ва ташкилотлар учун ходимлар тайерлаш масаласига алоҳида эътибор бериларкан. Бундан ташқари, алоқачиларнинг махсус иш кийимлари бор экан. Ҳар бир фирма ўз уст-боши билан бир-бирдан ажралиб туради. Бу эса ўша алоқа корхонаси ва фирмаси учун фахр ҳисобланаркан. У ерда республикамизда амалга оширсан бўладиган аҳамиятли жиҳатлар борки, уларнинг айримларидан фойдаланса, жумҳуриятимиз алоқаси янада ривожланган бўларди.

Сўхбатдош Иззат АҲМЕДОВ



Тошкентдаги 50-АТС кенжа телефон станцияларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай АТСнинг яхши ишлари режадаги назорат ва жорий таъмирлаш ишларининг ўз вақтида, сифатли бажарилишига боғлиқдир. Суратда: АТС ходимлари Ю. Мухортова ва И. Лисицкаялар иш устида.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## • Алоқа матбуот кўзгусида

### ТЕЛЕФОНДИГИ БОШОҒРИГИ

Данияликлар табиатан сергак ва соғлом одамлар. Аммо сўнгги вақтларда уларни бош айланиши, паршинохотирлик ва бошқа ечимсиз сезгилар безовта қила бошлади.

Табииёт ходимларининг кузатишча, жинси, еши, касбу-кори турлича бўлган бундай мижозлар радиотелефондан фойдаланишар

экан. Бу техника янгилиги тезда дунё миқёсида ўз нуфузига эга бўлди ва ишбилармон кишиларнинг доимий ердამчисига айланди.

Данияда радиотелефондан 400 минг киши фойдаланади. Наҳотки уларнинг ҳаммаси ўша касалликка гирифтор бўлса? Далиллар шундай эканлигини тасдиқлаб турибди. Қизғин шундаки, бошига шундай савдо тушганлар бир ҳафта радиотелефонни “унутсалар”, тезда тузалиб кетишар экан.

Мижозларнинг мутассил шикоятлари шунга олиб келдики,

соғлиқни сақлаш муассасалари радиотелефоннинг саломатликка таъсирини махсус текширишадиган бўлишди.

Ҳозирча дўхтирлар шундай маслаҳат беришмоқда: Бошингиз оғриси телефонда камроқ гаплашинг.

### ПОЧТА МАРКАСИДА ЛЕНИН СИЙМОСИ

Октябрь тўнтаршидан кейин почта хизматини йўлга қўйиш жозиз эди. Бу ишнинг ташкилотчилари чоризм давридаги маркадан фойдаланишга уринишди. 1923

йили Ильичнинг тугилган кунига атаб унинг сиймоси акс эттирилган маркани чоп этмоқчи бўлишди. Шу мақсадда Павел I тасвири туширилган 1913 йи. и маркани олиб, ундаги императорнинг калласини Лениннинг калласига алмаштиришди.

Аммо Ленин бу маркани чиқаришга рухсат бермади. Тасо-диф туфайли ўшабу марка кўпайтирилмай қолди, намуна нусхаси эса заҳирахонага қўйилди ва ҳозир Санкт-Петербургдаги музейлардан бирида сақланмоқда.

Фарғона вилояти  
Давлат электр алоқа  
ишлаб чиқариш корхона-  
си маъмурияти Кўқон  
шаҳар радио  
боғламсининг катта  
электромеханиги  
Абдуллажон Фарзинович  
УСМОНОВнинг  
вафоти муносабати билан  
марҳумнинг оила  
аъзоларига чўқур ҳам-  
дардлик билдиради.



# АНДИША

## ёки яна ит ҳақида

Матбуотда ит ҳақида кўп езилди. Шаҳарда, айниқса кўп қаватли уйларида ит асраш, одамлар гавжум юрадиган жойлар, айниқса сайлгоҳ ва истироҳатгоҳларда итларни етаклаб юриш билан боғлиқ масалалар ҳақида ақлли гаплар, ўринли тақлиф ва мулоҳазалар кўп ва хўп айтилди. Аммо муаммолар ҳали-ҳамон ечимини топганича йўқ. Тўғри, матбуотнинг вазифаси бевоқифа муаммоларни ҳал қилиш эмас, унга мутасаддилар ва жамоатчилик фикрини қаратишдир. Шундай бўлса-да, ит ҳура, қарвон ўтар қабилда иш тутиш билан муново ҳосил бўлмайди.

Фаҳм-фаросатли муштарий каминанинг яна ит ҳақида ёзмоқчи эканини сезиб турибди. Илтимос, фақат бердирини айтгунча "Оббо, янами?.." дея энсалари қотмасин. Дарвоқе, зерки б қолмаслигингиз учун олдин мана бу хангомани айтмай.

Ўзим итдан жуда кўрқаман. (Илим ит-лигининг бунга сира дахли йўқ). Тўғри, ит қопиб олса одам ўлиши шарт эмас, (эсимда, кишлоғимизда кутурган ит қопган бир бола... ўлиб қолгани) аммо шубҳали ит қопса, 40 та уқол олишга кимнинг тоби-тоқати бор?

Аяган кўзга чўп тушар деганларидек, яқинда кишлоққа борганимда укамнинг ювошгина ити тўсатдан менга ташланиб, қопиб олса бўладими? (Бўлади дейсизми?..) Чунонам алам қилдик. Ахир мен ит масаласида жуда эҳтиёткор эдим-да. Шунга қарамай...

Уйдагиларга зулум қилганимни

кўрсангиз...

— Зудлик билан ҳар эҳтимолга қарши итни текширтиринглар, яна кутурган бўлмасин!

— Э кўнглингизга олманг, ундай бўлиши мумкин эмас, — дейишди улар бир овоздан.

— Қаяқдан биласизлар? Балки кутуришининг яширин давридир. Албатта текшириш керак — тамома-вассалом!

Ҳар қанча қаттиқ турмайини, шаҳарга қайтганимча итни текширтиролмадим. Уйга кўнглим гаш бўлиб қайтдим.

Ҳар кун кишлоққа телефон қилиб, тезроқ итни текширтиришни талаб қиламан. Укам ҳар гал баҳона топиб, бу ишни пайсалга солади. Уйда сиқилиб, тажанг бўлганимда боласи тушмагурлар "Ана, аломати сезиляпти" дея бемаврид ҳазил қилишади. Менинг эса юрагимга қил сиймайди.

Хуллас, кишлоқдан "Хавотирланманг, текширтирдик" деган хабарни эшитганимдан кейингина сал кўнглим тинчиди.

Ит масаласи қанчалар жиддий савдо эканлигига энди ишонгандирсиз. Энди иккинчи хангомани эшитинг. Бу-

ни хангома дейиш тўғри бўлмайди, фожеа дейилса андак баландларвоз туюлади. Ҳай майли, тўғри баҳони ўзингиз берарсиз.

Сир эмас, бегубор, мусатффо табиат кўйида ҳаётга муҳаббат, яшашга иштиёқ янада кучаяди. Айни чоғда атрофга сергарок, хушёрроқ боқамиз. Гавжум шаҳарда кўникиб қолинган айрим нохушликлар табиат кўйида бамисоли худди заррабинда кўрингандек кўзимизга эрич, бачкана туюлади.

Яқинда Чорвоқдаги сўлим Чинор чойхонасига кирдик. Сўриларда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар мириқиб хордиқ чикаришмоқда. Ногоҳ сўрилардан бирида дам олиб ўтирган меҳмонларнинг енидаги итга кўзимиз тушди-ю дарҳол табиатимиз тиррик бўлди. Ичиб турган чойимиз ҳам томоқдан ўтмай қолди. Мабодо ит пастда — ерда турганда ҳам ажабланмас (машинада еки поездда ўзи билан бемалол итни олиб юриш оддий ҳол бўлиб қолди) эдик. Йўқ, ит айнан чойхоначи меҳмонлар учун солиб берган юшмоқ тўшак устида бемалол ётар, меҳмонлардан бири унинг бошини, қорнини силаб-сийпалар, ўпар, гоҳо дастурхондан емиш олиб, оғзига солар эди.

Хуллас, бу хунук, жирканч манзарага хотиржам қараб туриш мумкин эмас эди.

"Мумкин эмас эди" дейилгану яна бир нарсдан баттар ҳайратланмай илож йўқ. Боринги, ўша меҳмонларнинг фаҳму фаросати "ўзига яраша" экан, бу манзарани кўриб турган чойхоначи (мусулмон!) нега мик этмайди? Келиб-кетиб турган одамлар нега индамайди? Андиша қила-қила етиб келган жойимиз шу бўлдимиз ҳали?

Ҳамроҳларим — Бўстонлик табиати муҳофазаси ҳақида жуда салмоқли, хайрли ишлар қилиб юрган ёзувчи Дадахон Нурий ва хумсонлик олим Ортиқбой Абдуллаевлар эди.

Дадахон ака яқинда кўрнамаклардан бири бўлоқда итни шампун билан ювганини куйиниб айтиб бераркан, энди бундай кимсаларга мурасасиз бўлиш керак деди ва дарҳол чойхоначи йиғитни чақириб, етиги билан тушунтирди.

Нозиктабиатли Ортиқбой ака эса ҳалиги нохуш манзарадан азбаройи таъсирланиб, кўз олдимизда... ўзини емон ҳис қилиб қолди. Боеқиш анчагача ўзига келолмай юрди.

Ёз — дам олиш мавсуми олдиди турибмиз. Она табиатни яна галдаги шафқатсиз синов кутмоқда. Уни сиз билан биз биргаликдагина асраб-авайлашимиз, келажак авлодга мерос қилиб қолдиришимиз мумкин. Шундай экан, бефарқ бўлмайлик. Акс ҳолда у биздан аёвсиз ўч олишни муқаррардир. Дарвоқе, бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз-ку!..

Шодмон ОТАБЕК

### АНДРЕ МОРУА ҚАЙДЛАРИ

Муҳаббатнинг туғилишида севишганлар келажак ҳақида гапиряшади, унинг сўнишида эса — ўтмиш ҳақида.

Менинг жиддийликка мойиллигим шунга олиб келдики, энг кўп қониқшини болалар билан бўлган суҳбатдан олам.

Ҳаётини тажрибаларимизни бошқаларга юқтира олганимиздагина у бизга қувонч бахш этади.

Баҳсда энг қийини ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш эмас, аксинча у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлишдир.

Катта психолог ва жиддий инсон Генри Жемс "Фақат

гиёбат ёрдамидагина инсон ҳақида бирор нима билиш мумкин", — деганди.

Тинимсиз вайсакилик ҳеч нимани бор қилишга қодир эмас. Ҳосилининг етилиши учун вақт керак, ахир.

Биз фақат севган одамларимиз билангина очик-ойдин, самимий бўла оламиз.

Тарбия кўрган одам ҳеч қачон оддий суҳбат жараёнида ўзининг илоҳий қарашларига тил теккизмайди.

Аёл ўз дуғонасига "Фақат ҳеч кимга айтма" деб сирини ошкор этди — демек у шу гап тезроқ тарқалишини истайди.



Сиз қандай изоҳлайсиз?

### • Мерос

#### ҲУСАЙН ВОИЗ ҚОШИ-ФИЙ

### ҲУНАРМАНДЛАР ЎЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТУТИШЛАРИ ҲАҚИДА

Сендан ҳунармандлар ўртасида нечта одоб қоидаси бор, деб сурасалар, саккизта деб жавоб бер:

Биринчи: ўз ҳунарларини ифлос ва шубҳали даромадлардан асрайдилар.

Иккинчи: ҳунарни бойлик орттириш манбаи деб эмас, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш мақсадида ўрганадилар.

Учинчи: ўз ишининг усталарига доимо ҳурмат ва эҳтиромда бўладилар.

Тўртинчи: нопок йўллар орқали бойлик тўпловчилар билан алоқа қилмайдилар.

Бешинчи: ишда камчиликка йўл қўймайдилар ва танлаган касбларига бефарқ бўлмайдилар.

Олтинчи: маҳсулотнинг асл баҳосини билмаганлар билан тўғри муомалада бўладилар.

Еттинчи: агар олди-берди тарози билан боғлиқ бўлса, кам бермаслик ва кўп ҳақ олмасликка интиладилар.

Саккизинчи: агар иш ҳисобчи билан битадиган бўлса, ўз ҳиссасини жамият ҳиссасидан юқори қўймаслик керак, чунки юрт фаровонлиги худди ана шу жамоат жамғармаси туфайли юзага келади.

### МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

#### СВИФТ ВА БОЛАКАЙ

Жонатан Свифтнинг майда совгалар юбориб турадиган дўстлари бор эди. Бу совгаларни асосан бир хизматкор бола келтирарди. Свифт табиатан зиқна бўлгани учун боланинг хизматини ҳеч тақдирламасди.

Бир кун уша бола Свифтнинг уйга ёзувчининг устози бериб юборган совга билан ке-

лади. Хизматкори болани киритганида у Свифтнинг хонасига йўналди ва эшикни кўполлик билан очиб, "Устозингиз сизга совга бериб юборди", деди.

Иш столида ижод қилиб ўтирган ёзувчи болага ўгирилиб, "Ўғлим, совгани бундай топширмайдилар. Мен сенга бунинг қандай қилинишини кўрсатиб берман. Сен менинг жойимга ўтир", деди.

Болакай унинг жойини эгаллади. Свифт эса

ташқарига чиқди. Бироздан сўнг у эшикни тақиллатди. "Кириг" деди бола. Свифт ичкарига кириб, "Марҳаматли сэр, устоз сизга ўз саломларини йўллаб, ушбу арзимас совгани қабул қилиб олшингизини сўрайдилар", деди.

"Шундайми, унга ҳам менинг саломимни айтиб қўйинг, мана бу ярим крон эса сизга", деб жавоб берди бола. Свифт боланинг ипорасини тушуниб, кулиб юборди. Шундан кейин иккови ҳам хушмуомалаликни унутмайдиган бўлишди.

### Иложи йўқ-да

Бернард Шоу комедияларидан бирининг кўриги жуда қизгин ўтди. Зални ларзага келтирган қарсақлар овози бир оз тина бошлагач, галерея томондан кимдир асар муаллифига ҳаёсизларча бақирди:

— Жаноб Шоу, пьесангиз менга еқмади!

— Мен ҳам шу фикрда эдим-у, лекин биз иккимиз кўпчиликка қарши нима ҳам қила олардик? — деди Шоу ҳалигача ўзига келмаган томошабилар тарафга ишора қиларкан.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК  
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ

Мирпўлат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ  
Бобоҳон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Бялол АМИНОВ

Сандмаҳмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ  
Нуралӣ ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлөзмалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслигини лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятини муаллифлар зиммасидадир.

Рўқатга олиш №000011. Буюртма №Г-0223. 11905 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичини А-3, ҳажми 1 босма тавбюк.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КАНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



**ДУШАНБА, 29**

**ЎзТВ I**

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъоз".
- 18.40 "Туркистон" камер оркестри икром этакди.
- 19.15 Футбол шархи.
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
- 19.50 Ўзлонлар.
- 19.55 "Истиқлол адабиети".
- 20.25 "Телеоператор нигоҳи билан...".
- 20.40 Оқшом эртаклари.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
- 21.25 Ўзлонлар.
- 21.30 Қозғоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари. "Туркистон — умумий уйимиз". Видеофильм.
- 22.10 Япония ҳақида ҳикоялар. "Келгуси аср вақти билан".
- 22.35 "Пушаймон". Бадий фильм.
- 23.50—00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

- "Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ"
- 19.00 "Тафсилот".
- 19.15 Ёшлар икром этакди.
- 19.45 "Голдлар".
- 20.10 "Тақдир".
- 21.10 Эстрада жидолари.
- 21.25—22.50 "Тириклайин кўлга олинсин". Бадий фильм.

**ЎзТВ III**

- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мультикарусель".
- "ОМАД" таништиради:**
- 18.55 "Совга".
- 19.15 "4/8". Мусикий кўрсатув.
- 19.35 Жаҳон географияси.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 Видео— "О".
- 22.10 Ўзлонлар.
- 22.15 "Курьер".
- 22.35 "...яна об-хаво ҳақида".
- 22.45—22.55 "Постфактум".
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 18.00 "Тигиз пайт".
- 18.30 "Турмуш икром-чикирлари". Теле-сериял.
- 19.00 "Агар...". Кўрсатуви В. Поэнер олиб борди.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 20.00 "Время".
- 20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
- 21.00—22.05 "Рәжет". Теле-сериял. 5-серия.

**СЕШАНБА, 30**

**ЎзТВ I**

- 6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 8.00 "Митти цирки". Бадий фильм.
- 9.05 "Истеъдод". Актер Шерали Ҳожиев.
- 9.30 Немис тили.
- 10.00 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
- 10.35 "Бола бошидан...".
- 11.10—13.10 "Ғам-ғам йили". Видеоканал.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 Болалар учун. "Кичкинтоймиз— гижинтоймиз".
- 18.45 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири.
- 19.15 Мусикий дақиқалар.
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
- 19.50 Ўзлонлар.
- 19.55 "Харакатда баракат".
- 20.20 "Кеча ва бугун".
- 20.40 Оқшом эртаклари.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
- 21.25 Ўзлонлар.
- 21.30 Қозғоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари. "Туғишқоним, бовуриям".
- 22.30 "Олтин мерос". Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева.
- 23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

- "ОМАД" таништиради: 18.30 "Мультикарусель".
- 19.00 Табиат дуниси.
- 19.50 Янгилар.
- 19.55 "Хусусийлаштириш: кадам-бакадам".
- 20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 20.40 Видеоғид.
- 21.00 "Теле-ателье-шоу".
- 21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 21.50—23.30 "Кинонигоҳ".

**ЎзТВ III**

- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мультикарусель".
- 18.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 19.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари.
- 20.05 "Умид" (уйғур тилида).
- 20.55 "Интерпартер".
- 21.40 "Душлик сарҳад билмайди".
- 22.20 "Соқкер-клуб".
- 23.05—23.15 "Би-Би-Си" янгиларлари.
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 5.00—8.00 "Телегонг".
- 18.00 "Тигиз пайт".
- 18.30 "Турмуш икром-чикирлари". Теле-сериял.
- 19.00 "Мавзу".
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 20.00 "Время".
- 20.40 "Илк мандабан".
- 20.55—22.35 Жан Габен "Дайдилар кучеши" бадий фильмиди (Франция, 1967 й.).
- ЧОРШАНБА, 31**
- 6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 8.00 "Оялга аталган гуллар". Бадий фильм.
- 9.20 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкачи...".
- 10.00 "Хуқуқингизни биласизми?".
- 10.30 "Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти".
- 11.00—13.00 "Ёшлик" видеоканали.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 "Ислоҳот ва масъулият".
- 18.45 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири.
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
- 19.50 Ўзлонлар.
- 19.55 Спорт хабарномаси.
- 20.05 Бевосита мулоқот.
- 20.40 Оқшом эртаклари.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
- 21.25 Ўзлонлар.
- 21.30 Қозғоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари. "Дўмбиранинг икки тори".
- 22.20 "Ҳамроз". Бадий фильм. I-серия (Хиндустон).
- 23.40—00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.
- ЎзТВ II**
- "Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Хайвонот оламида.
- 18.50 "Ҳажмасблар".
- 19.20 "02" тўлкинида.
- 19.45 "Тошкент оқомида".
- 20.45—22.25 "Кинематограф".
- ЎзТВ III**
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мультикарусель".
- 18.55 "Музик-холл".
- 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
- "ОМАД" таништиради:**
- 20.15—23.15 "СПОРТ КИТЪАСИ".
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 5.00—8.00 "Телегонг".
- 18.00 "Тигиз пайт".
- 18.30 "Турмуш икром-чикирлари". Теле-сериял.
- 19.45 "Ғаройиб кишилар".
- 19.30 "Ҳамама уйдалиғида ёки Хайрли тун!".
- 20.00 "Время".
- 20.40 "Москва, Кремль".
- 21.05—22.40 Кино асри. "Миклош Янчонинг "Исо Христнинг гороскопи" фильми (Венгрия, 1988 й.).
- ЖУМА, 2**
- ЎзТВ I**
- 6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 8.00 "Туткич бермас касоскорлар". Бадий фильм.
- 9.15 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқи".
- 9.50 Немис тили.
- 10.20 Ўсмирлар учун. "Садокат".
- 11.20—13.20 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 "Таллим ва ислоҳот".
- 18.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғиллари".
- 19.05 "Солиқ".
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
- 19.50 Ўзлонлар.
- 19.55 "Юрт ҳақида кўшиқ". Публицистик кўрсатув.
- 20.40 Оқшом эртаклари.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
- 21.25 Ўзлонлар.
- 21.30 "Зафарнома". Видеофильм.
- 22.05 "Таллим божлаб ўти". Чарый лирикаси.
- 22.55—23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.
- ЎзТВ II**
- "Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Билиб кўйган яхши".
- 18.55 "5+1".
- 19.25 "Бизнес-академия".
- 19.55 "Хуқуқ ҳимоячилари".
- 20.25—21.50 "Афроня". Бадий фильм.
- ЎзТВ III**
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мультикарусель".
- 18.55 "Эстрада калейдоскопи".
- 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
- "ОМАД" таништиради:**
- 20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
- 20.35 "Панорама".
- 21.05 "Компьютер-Осие".
- 21.35 "Автоклуб".
- 21.55 Ўзлонлар.
- 22.00 "Даракчи".
- 22.10 Ўзлонлар.
- 22.15—23.55 Видео—"О".
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 5.00—7.00 "Телегонг".
- 17.55 "Бомонд".
- 18.20 "Турмуш икром-чикирлари". Теле-сериял.
- 18.50 "Муъжизалар майдони".
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 20.00 "Время".
- 20.45 "Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари". Теле-сериял премьераси.
- 21.30 "Талкилар".
- 21.50—22.30 "Нигоҳ".
- ШАНБА, 3**
- ЎзТВ I**
- 6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 8.00 "Туткич бермас касоскорларнинг янги саргузаштлари". Бадий фильм.
- 9.20 "Олтин ярпоқ". Неймат Дўстхўжаев.
- 10.20 Болалар учун. "Кувноклар даврасида".
- 10.50 Халқ ижодиети.
- 11.20 "Ёшлигим, калбим кувнок сози бўл". "Туркистон" саройидан эзиб олинган.
- 12.00—14.00 "Мазнавият" видеоканали.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
- 18.35 "Дил номалари". Мусикий кўрсатув.
- 19.15 Спорт хабарномаси.
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
- 19.50 Ўзлонлар.
- 19.55 "Мозийга бир назар".
- 20.30 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).
- 20.40 Оқшом эртаклари.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
- 21.25 Ўзлонлар.
- 21.30 "Санъат сеҳри". Видеоканал.
- 23.00 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).
- 23.10 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.
- ЎзТВ II**
- "ОМАД" таништиради:**
- 9.00 "Мультикарусель".
- 9.30 Табиат дуниси.
- 10.20 Янгилар.
- 10.25 "Хусусийлаштириш: кадам-бакадам".
- 10.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 11.10 Видеоғид.
- 11.30 "Теле-ателье-шоу".
- 11.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 12.20 "Кинонигоҳ".
- 14.00—18.30 "СПОРТ КИТЪАСИ".
- "Тошкент" студияси таништиради:**
- 18.30 Болалар учун. "Табассум".
- 19.10 "Ирик планда".
- 19.40 "Плюс нау-хау".
- 20.25 Эстрада жидолари.
- 20.40—22.20 "Кинематограф".
- ЎзТВ III**
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 10.40 "Дидар" (қозоқ тилида).
- 10.40—11.20 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик ва замон".
- 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мультикарусель".
- 18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
- 19.20 "Колумб кашф этган дийр".
- 20.10 "Би-Би-Си" янгиларлари.
- 20.20 "Эзгу ният ва меҳр-муҳаббат билан".
- 20.30 "Рангинкамон" (тожик тилида).
- 21.20 "Биздан овоз ва обод Ватан қолсин!".
- 21.40 "Бу ажиб дуне".
- 22.00—22.10 "Би-Би-Си" янгиларлари.
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 17.20 "Брайн ринг".
- 18.05 Лун де Фюнес "Жандарм сайрда" кинокомедиасида.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 20.00 "Время".



20.45 "Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари". Теле-сериял.

21.30—22.35 "Нима? Қаерда? Качон?"

**ЯКШАНБА, 4**

**ЎзТВ I**

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Болалар киносеанси.

9.15 "Кувнок стартлар".

10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". Кўрсатув ва концерт.

11.00 "Ижодий учрашувлар". М. Уйғур номидида Тошкент Давлат санъат институтининг 50 йиллиғига.

11.50 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Бастакор Эмирак Солихов".

12.30—13.55 М. Ҳазраткулов. "Меҳр кўп кўргаздим". Йўлдош Охунбоев номидида Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Махтб ўкувчилари учун. "Санъат гулчалари".
- 18.30 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири.
- 19.05 "Ойна жаҳонда...".
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 "Хафтанома" (рус тилида).
- 20.00 Ўзлонлар.
- 20.05 "Талабалар баҳори" фестивали.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 "Хафтанома".
- 21.30 Ўзлонлар.
- 21.35 "Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Ёқубов куйлайди". Теле-премьеря.
- 22.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони. "Пахтакор" — "МХСК".
- 23.55—00.25 "Хафтанома".

**"ОМАД" таништиради:**

- 10.00 "Омад" тақвими.
- 10.05 "Кўнгли".
- 10.10 "Жозоба".
- 10.30 "Бир шингил хангома".
- 10.40 "Ишингиз бароридан келсин!".
- 10.50 "Муҳаббатта ошно қалблар".
- 11.10 "Теле-ателье-шоу".
- 11.20 Видео янгиларлари.
- 11.45 Янгиларлари.
- 11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 12.35 — 14.15 "Кинонигоҳ".
- 17.00 "Совга".
- 17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.
- 17.45 Жаҳон географияси.
- 18.35 Ўзлонлар.
- 18.45 Видео — "О".
- 20.15 Ўзлонлар.
- 20.20 "Курьер".
- 20.40 "...яна об-хаво ҳақида".
- 20.50 "Постфактум".
- 21.00 Жаҳон янгиларлари.
- 21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
- 21.30 "Панорама".
- 22.00 Ўзлонлар.
- 22.05 "Салом, ешлар!".
- 22.40 "Даракчи".
- 22.50 Ўзлонлар.
- 23.00—00.40 Видео — "О".

**ЎзТВ III**

- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**
- 9.00 Аэробика.
- 9.15 "Жонли сайера".
- 9.35 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!".
- Мультифильм.
- 10.15 "Коллекция".
- 10.35 "Менинг кўчам".
- 10.50 "Кинематограф".
- 12.30 — 12.40 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).
- 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
- 18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
- 19.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 20.05 "Ҳамкорлик — тарраклет иншониси".
- 20.50 "Би-Би-Си" янгиларлари.
- 21.00 "Мусикий саҳнат". Миср.
- 21.35 "Ёшлик" студияси. "Эзуликка интилоб".
- 22.05 "Бу ажиб дуне".
- 22.25 — 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
- "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**
- 18.00 "Юзма-юз". Кўрсатуви А. Любимов олиб борди.
- 18.30 "Акварим". Циклон маркази, Мусикий дастур.
- 19.15 Пьер Ришар "Коччи" кинокомедиасида (Франция, 1976 й.).
- 21.00 "Якшанба".
- 21.50—22.35 "Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари". Теле-сериял.

["Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатганимиз" теледастуридан олинди].